

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ (СМТ)НИ САМАРАДОЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Бадалова Максуда Умаровна

А.Авлоний номидаги МТИБ бошлиғи

Ўрганилган халқаро тадқиқотлар асосида шуни таъкидлаш жоизки, ИСО 9001 сифат менежмент тизимининг ҳам самарадорликни баҳолашнинг кенг тарқалган усуллари мавжуд – бу эришилган натижаларни солиштиришдир ёки, (ИСО 9001 стандартига кўра – “натижа“, деб аталган). Таълим соҳасида таълим сифати мураккаб кўрсаткич бўлиб, таълим муасасаси олдида қўйган мақсад ва берилган билимнинг ўзаро бирлашган кўрсаткичидир. Бунда СМТни натижасини аниқлашда таълим жараёни истеъмолчилари-яъни ота-оналар ва ўқувчиларнинг талабини қондирилиши мақсадида таълим соҳасида кўрсатилаётган таълим сифати ўқувчилар билим савияси, ақлий, жисмоний ва ахлоқий кўникмаларига берилган баҳолар натижасининг кўрсаткичлари инобатга олинади. Таълим сифатининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- Умумтаълим мактабларида яратилган шароит сифати;
- Бошқарилаётган ўқув жараёнининг сифати;
- Болалар саломатлигининг сифати;
- Берилаётган таълим сифати;
- Мактабларни ресурслар билан таъминлаш сифати;
- Моддий-техник таъминот сифати;
- Кадрлар сифати.

Буни шундай изоҳлаш лозимки, ҳар бир банд бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган сифатга қўйиладиган талабларнинг умумэтироф этилган тизими мавжуд, масалан таълим стандартига мослигини таъминлаш шартларини белгилайдиган жараён, шу меъёрларга мослик даражаси билан баҳоланади. Ва такомиллашиш натижасида янгиликка мос талаблар ҳам қўшилиб борилади, масалан, халқаро қиёсий тадқиқотлар натижалари (PISA, PIRLS, TIMSS ва бошқалар). СМТни ташкилотни тўлиқ фаолиятини қамраб олганлиги туфайли тўлиқ фаолият режаси асосида унинг бажарилиши баҳоланади.

Ташкилотнинг олган фойдаси, соф фойда, соф фойда ва активлар рентабеллиги, фаолият даражасининг ўсиши, , инвестицияларнинг жалб қилиниши, NPV (соф жорий қиймат) ҳисоблаш, акциялар қийматининг ўсиши(агар акциядорлар бўлса)орқали таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади ва регрессион моделлар асосида сифат омилларини таъсири аниқланади. Шунингдек, қуйидаги усуллар ҳам тажрибада кенг қўлланилади:



1.Харажат ва фойдани солиштириш - молиявий кўрсаткичлар таҳлилига асосланган усул;

2. Актив рентабеллиги; (Бу кўрсаткич корхона молиявий фаолиятинг жами даромадини ёки (зарарини) жами активлар қийматига нисбати билан ифодаланади. Агар корхонанинг бу кўрсаткичи $AP > 0,05$ (актив рентабеллиги), яъни актив рентабеллиги 0,05дан катта бўладиган бўлса, демак корхона ресурсларидан самарали фойдаланмоқда.

